

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ ПСИХОЛОГИЯ  
ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ИЛМИЙ  
ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.Psi.72.06 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**КУДРАТОВ АКМАЛЖОН ИБОДИЛЛАЕВИЧ**

**ШАХС МАЪНАВИЙ ЭҲТИЁЖЛАРИ ТРАНСФОРМАЦИЯСИНИНГ  
ИЖТИМОЙ-ПСИХОЛОГИК ОМИЛЛАРИ**

**19.00.05 – Ижтимоий психология. Этнопсихологияси**

**ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Психология фанлари бўйича фалсафа доктори(PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата доктора философии (PhD) по  
психологическим наукам**

**Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD) on  
psychological Sciences**

**Кудратов Акмалжон Ибодиллаевич**

Шахс маънавий эҳтиёжлари трансформациясининг ижтимоий-психологик  
омиллари..... 3

**Кудратов Акмалжан Ибодиллаевич**

Социально-психологические факторы трансформации духовных  
потребностей личности..... 29

**Kudratov Akmaljon Ibodillaevich**

Socio-psychological factors in the transformation of the spiritual needs of the  
individual ..... 53

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of publication ..... 57

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ ПСИХОЛОГИЯ  
ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ИЛМИЙ  
ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.Psi.72.06 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**КУДРАТОВ АКМАЛЖОН ИБОДИЛЛАЕВИЧ**

**ШАХС МАЪНАВИЙ ЭҲТИЁЖЛАРИ ТРАНСФОРМАЦИЯСИНИНГ  
ИЖТИМОЙ-ПСИХОЛОГИК ОМИЛЛАРИ**

**19.00.05 – Ижтимоий психология. Этнопсихологияси**

**ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Психология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси  
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида  
B2021.4.PhD/P94 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Қарши давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-  
саҳифасида (buxdu.uz) ва «Ziyouet» Ахборот таълим порталида (www.ziyouet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Жабборов Азим Мейликулович  
психология фанлари доктори, профессор

Расмий ошпоментлар:

Ҳайитов Ойбек Эшбоевич  
психология фанлари доктори, профессор

Мухторов Эркин Мустафаевич  
психология фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Самарқанд давлат университети

Диссертация ҳимояси Бухоро давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар  
берувчи PhD03/30.12.2019 Psi.72.06 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил "7"  
9 декабр 10.00 даги мажлисида бўлиб ўтди. (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, М.Иқбол  
кўчаси, 11 -уй. Тел.:(+998 65) 221-29-14; факс: (+998 65) 221-57-27; e-mail:  
buxdu\_rektor@buxdu.uz.

Диссертация билан Бухоро давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида  
ташқиши мумкин (258 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри,  
М.Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.:(+998 65) 221-25-87.

Диссертация автореферати 2022 йил "26" декабр кuni тарқатилди.

(2022 йил "26" декабр даги А/1240 рақамли реестр баённомаси.)



О.Х.Ҳамидов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
раиси, фалсафа фанлари доктори,  
профессор

А.М.Назаров

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш раиси, психология фанлари  
доктори (PhD), доцент

Р.А.Абдурашулов

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш раиси, илмий семинар раиси,  
психология фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон тараққиётининг замонавий босқичида глобаллашув ва интеграциялашув жараёнларининг жадаллашуви ижтимоий-сиёсий, моддий ва маънавий, ҳуқуқий-иқтисодий, этнопсихологик муносабатларга жиддий таъсири кузатилмоқда. Бугунги кунда кўпгина халқаро ташкилотлар (БМТ, ЮНЕСКО, ЮНИСЕФ, ШХТ)да инсон ҳаёти, турли эҳтиёжлари ва унинг қондирилиши давлат сиёсати даражасидаги муҳим масала сифатида қаралаётганлиги айна ҳақиқатдир. Дунёда шахснинг ижтимоий-психологик структурасини ташкил этувчи, хусусан, эҳтиёжлар, хатти-ҳаракатлар, ҳулқ-атвор, мотивацион йўналганлик ва фаолият муҳим омиллар сифатида қаралмоқда. Шундай экан, шахснинг маънавий эҳтиёжларини барқарор шакллантириш ва трансформациясини тўғри ташкил этиш бугунги куннинг долзарб муаммолардан бири ҳисобланади.

Жаҳонда амалга оширилаётган илмий тадқиқотларда шахснинг маънавий эҳтиёжларини тўла-тўқис қондириш шахс камолотини таъминловчи муҳим шартлардан ҳисобланиб, бу масаланинг устуворлиги борасида илмий изланишларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, TIMSS, STEAM, PIRLS каби халқаро дастурларнинг статистик маълумотларига қараганда, маънавий эҳтиёжларни барқарор шакллантиришга салбий таъсир этувчи англанилмаган майлларни пайдо бўлиши 18%, ғайри-табiiй хатти-ҳаракатларни келиб чиқиши 22%, лоқийдлик 19% ҳамда жиноят мотивларини шаклланиши 31% эканлиги аниқланган. Ушбу маълумотлардан келиб чиқиб, дунёда шахснинг эҳтиёжларини тўғри таркиб топтириш ҳамда маънавий фазилатларни эгаллаш билин боғлиқ омилларни аниқлаш бўйича психолог-мутахассис фаолиятини такомиллаштиришга йўналтирилган чора-тадбирларга эътибор қаратиш зарурати кузатилмоқда.

Республикамизда сўнгги йилларда шахснинг маънавий тараққиёти ва шу борадаги эҳтиёжларни таъминлаш, айниқса, ёшларни маънавий тарбиясига алоҳида эътибор қаратиш, бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш бўйича чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш, жумладан, “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги фармонда “...ёшларнинг маънавий, интеллектуал, жисмоний ва ахлоқий жиҳатдан камол топишига кўмаклашиш, уларни ватанпарварлик, фуқаролик туйғуси, бағрикенглик, қонунларга, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида, зарарли таъсирлар ва оқимларга қарши тура оладиган, ҳаётга бўлган қатъий ишонч ва қарашларга эга шахс сифатида тарбиялаш...”<sup>1</sup> устувор йўналишлардан бири сифатида белгиланди. Бунинг натижасида ёшларни баркамол шахс сифатида шакллантириш, уларни қизиқиш ва

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони/<https://lex.uz/uz/docs/5793> 261

маънавий эҳтиёжларини ривожлантириш бўйича илмий изланишларни амалга ошириш имкониятлари яратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”, 2020 йил 6 ноябрдаги ПФ-6108-сон “Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” фармонларида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 03 декабрдаги ПҚ-4910-сон “Иқтидорли ёшларни саралаб олиш тизими ва академик лицейлар фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 31 декабрдаги ВМ-1059-сонли “Узлуксиз маънавий тарбия концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018-йил 14-августдаги ПҚ-3907-сон “Ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-йил 26-сентябрдаги ПҚ-3290-сон “Олий таълим муассасаларига кириш учун номзодларни мақсадли тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги қарорлари ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада ҳизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда, инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Эҳтиёжлар феномени муаммосининг назарий-методологик масалалари, эҳтиёжларнинг шакллантириш тенденциялари, маънавий эҳтиёжларни камол топтириш ва уларни трансформацияси каби масалалар республикамиз олимларидан Э.Ғ.Ғозиев, Ғ.Б.Шоумаров, В.М.Каримова, А.М.Жабборов, Ш.Р.Баротов, З.Т.Нишонова, Н.С.Сафоев, Д.Ғ.Мухамедова, Р.С.Самаров, Э.Н.Саттаров, Х.М.Алимов, Ш.М.Ибрагимов, Э.З.Усманова, А.А.Файзуллаев ва бошқалар томонидан қисман тадқиқ этилганлигини кузатиш мумкин.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДХ) давлатларида ҳам бу соҳада кўплаб изланишлар олиб борилган. Булар жумласига С.И.Анонова, Е.И.Бараева, О.А.Басова, Е.Е.Бочарова, С.В.Быков, В.В.Горанчук, Д.С.Жилкин, Е.П.Ильин, В.И.Ковалёв, А.Н.Леонтьев, В.Н.Мясищев, А.А.Мирсаева, К.К.Обуховский, Д.Я.Райгородский, Е.М.Рожков, С.Л.Рубинштейн, С.С.Сагайдикларнинг илмий изланишларини келтириш мумкин.

Хорижий олимлардан Z.Freyd, A.Maslow, K.Bernard, E.Fromm,

G.Goldshteyn, G.Zonnert, L.Festinger, V.Frankl, M.Kagan, H.A.Murray, X.Xekhauzen va бошқалар томонидан эҳтиёж ва унинг иерархик поғоналари, маънавий эҳтиёжларни детерминация қилиш, эҳтиёжларни қондириш жараёнида ички тарангликларни ечиш ва маънавий эҳтиёжларни трансформация қилишда ижтимоий-психологик омилларнинг таъсири каби долзарб масалалар тадқиқ этилган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Қарши давлат университетининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ 2015-2021 йилларга мўлжалланган “Баркамол инсон шахсини шакллантиришнинг объектив шарт-шароитлари ва субъектив омиллари диалектикаси” мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** шахс маънавий эҳтиёжлари трансформациясининг ижтимоий-психологик омилларни аниқлаш ва уни такомиллаштиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

шахс маънавий эҳтиёжлари трансформациясининг дифференциал фарқларнинг мавжудлиги далиллаш;

шахс маънавий эҳтиёжлари трансформациясини муваффақиятга интилиш мотивининг ривожланишига тўғри пропорционал эканлиги асослаш;

шахс маънавий эҳтиёжлари трансформацияси компонентларини такомиллаштириш;

шахс маънавий эҳтиёжлари шаклланишига ижтимоий-психологик омилларнинг интегратив блокчи-чизмасини киритиш зарурати асослаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида шахс маънавий эҳтиёжларини шакллантириш ва трансформация қилиш жараёни танланган бўлиб, тадқиқотда Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти академик лицейи ва Урганч давлат университети академик лицейидан (Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти академик лицейидан 320 нафар ва Урганч давлат университети академик лицейидан эса 85 нафар) жами 405 нафар респондентлар иштирок этган.

**Тадқиқотнинг предмети**ни шахс маънавий эҳтиёжларини трансформациясига таъсир этувчи ижтимоий-психологик омиллар ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда суҳбат, интервью, биографик метод, Ю.М.Орловнинг «Шахс эҳтиёжлари шаклланганлик даражасини ўрганиш» методикаси, Д.Марлоу ва Д.Краунларнинг “Маъқулланиш мотивациясини баҳолаш” методикаси, Т.Элерснинг “Муваффақиятга интилиш мотивацияси” ва “Мағлубиятдан қочиш мотивацияси” тести, математик-статистик методлардан (фоизли таҳлил, фактор таҳлили, Стюдентнинг t-мезони, К.Пирсоннинг  $r_p$ -корреляция коэффициентини ҳисоблаш методлари) фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

шахс маънавий эҳтиёжлари трансформациясининг даражавий ифодаланишида “ижтимоий маъқулланиш мотивацияси”ни фаолиятда интегратив ижтимоий-психологик омиллар билан боғлиқ дифференциал фарқларнинг мавжудлиги далилланган;

шахс маънавий эҳтиёжлари трансформацияси шахс мотивацион соҳасидаги хиссий компонентни ўз-ўзига муносабат билан уйғун ҳолда устувор шакланиши туфайли муваффақиятга интилиш мотивининг ривожланишига тўғри пропорционал эканлиги асосланган;

шахс маънавий эҳтиёжлари трансформациясининг ижтимоий-психологик модели эҳтиёжлар иерархиясининг хулқда динамик ифодаланишига асосланиб, “илмий-назарий таъминоти”, “шакллантириш объекти”, “ривожлантириш омиллари” компонентларини бириктириш орқали такомиллаштирилган;

шахс маънавий эҳтиёжлари шаклланишига ижтимоий муҳитнинг таъсирига кўра физиологик, ижтимоий, маънавий эҳтиёжларнинг ахборотга бўлган талабларда дифференциал ифодаланиши туфайли ижтимоий-психологик омилларнинг интегратив блокчи-чизмасини киритиш зарурати асосланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

шахснинг маънавий эҳтиёжлари трансформацияси сабаблари ва унинг эмпирик натижалари амалиётга кенг тадбиқ этилган;

шахснинг маънавий эҳтиёжларини мазмуни, таркиб топтириш, шаклланишига доир амалий хулосаларнинг шахс фаолиятига таъсири аниқланган;

шахснинг маънавий эҳтиёжларига таъсир кўрсатувчи объектив ва субъектив омиллар ҳам шарт-шароитларни уйғунлиги кўрсатиб берилган;

республикамиз тараққиётининг ўзига хос тенденциялари шахс маънавий эҳтиёжларига, хохиш-истакларига, майлларига ҳамда мотивациясига таъсири аниқланиб, уни трансформация қилишнинг илмий сабаблари амалиётда жорий этилган;

ёшлардаги ижтимоий ўзгаришлар шахс маънавий эҳтиёжларига, установкасига, қизиқишларига ва хулқ-атворида таъсир кўрсатиш даражаси фаннинг янги йўналиши сифатида тавсия этилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** тадқиқот мобайнида тўпланган маълумотларнинг ишончлилиги, қўлланилган методологик базанинг мукамаллиги, адекват методик тадқиқотларнинг амалга оширилганлиги, эмпирик тадқиқот натижаларини таҳлил қилишнинг репрезентативлиги, жамланган маълумотларни ишончлилиги, аниқлиги, амалий натижаларнинг миқдорий кўрсаткичларини баҳолашда математик-статистиканинг аниқ методларини қўлланилганлиги ҳамда олинган натижаларни амалиётга тадбиғининг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамиятидан бевосита келиб чиқиб, шахс фаолигини манбаи ва ички регуляциясида таркиб топган эҳтиёжлар, айниқса, инсонга

хос бўлган маънавий эҳтиёжлар асосида ўрганилганлиги билан муҳим аҳамият касб этади.

Тадқиқот натижаларидан амалиётда ёшларни маънавий эҳтиёжларини шакллантириш мақсадида, шунингдек, шахснинг маънавий эҳтиёжлари характери ўзгаришининг асослари, академик лицей ўқувчиларида маънавий эҳтиёжларни трансформациясининг сабаблари, ижтимоий-психологик омилларини таъминлашга хизмат қилиши билан изоҳланади. Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ўрганилган адабиётлар ва ўтказилган тадқиқот натижаларидан олинган илмий маълумотлар “Ижтимоий психология”, “Шахс психологияси”, “Шахс мотивацияси”, “Шахснинг регулятив соҳалари”, “Психологик тренинг асослари”, “Маънавият психологияси” фанларидан ўқув қўлланма, дарсликлар тайёрлашда, психологиянинг илмий луғатини бойитишда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

#### **Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши:**

Шахс маънавий эҳтиёжларини трансформациясининг ижтимоий-психологик омилларини тадқиқ этиш асосида:

шахс маънавий эҳтиёжлари трансформациясининг даражавий ифодаланишида “ижтимоий маъқулланиш мотивацияси”ни фаолиятда интегратив ижтимоий-психологик омиллар билан боғлиқ дифференциал фарқларнинг мавжудлиги далилланганлиги Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги Психология ўқув-илмий марказининг 2021-йил 24-декабрдаги ПМ-78-а-сонли буйруғига асосан «Ижтимоий психология» модулига киритилган (Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги Психология ўқув-илмий марказининг 2021-йил 24-декабрдаги ПМ-78-а-сонли маълумотномаси). Натижада маънавий эҳтиёжларни шакллантиришга бўлган кўникма ва малакаларни такомиллаштиришга эришилган;

шахс маънавий эҳтиёжлари трансформацияси шахс мотивацион соҳасидаги хиссий компонентни ўз-ўзига муносабат билан уйғун ҳолда устувор шаклланиши туфайли муваффақиятга интилиш мотивининг ривожланишига тўғри пропорционал эканлиги асосланганлиги Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги Психология ўқув-илмий марказининг 2021-йил 24-декабрдаги ПМ-78-а-сонли буйруғига асосан «Умумий психодиагностика» модулига киритилган (Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги Психология ўқув-илмий марказининг 2021-йил 24-декабрдаги ПМ-78-а-сонли маълумотномаси). Ушбу таклифнинг қўлланилиши натижасида амалиётчи психологларда маънавий эҳтиёжлар трансформациясининг аниқлашга мўлжалланган илмий-методик таъминотни бойитилишига эришилган;

шахс маънавий эҳтиёжлари трансформациясининг ижтимоий-психологик модели эҳтиёжлар иерархиясининг хулқда динамик ифодаланишига асосланиб, “илмий-назарий таъминоти”, “шакллантириш объекти”, “ривожлантириш омиллари” компонентларини бириктириш

орқали такомиллаштирилганлиги тўғрисидаги маълумотлар Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги Психология ўқув-илмий марказининг 2021-йил 24-декабрдаги ПМ-78-а-сонли буйруғига асосан «Консультатив психология ва психокоррекция» модулига киритилган (Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги Психология ўқув-илмий марказининг 2021-йил 24- декабрдаги ПМ-78-а-сонли маълумотномаси). Мазкур таклифнинг амалиётга тадбиғи орқали марказ ходимлари ва амалиётчи психологлар учун постдиагностикани тўғри ташкил этиш имконияти яратилган;

шахс маънавий эҳтиёжлари шаклланишига ижтимоий муҳитнинг таъсирига кўра физиологик, ижтимоий, маънавий эҳтиёжларнинг ахборотга бўлган талабларда дифференциал ифодаланиши туфайли ижтимоий-психологик омилларнинг интегратив блокчи-чизмасини киритиш зарурати асосланганлиги Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги Психология ўқув-илмий марказининг 2021-йил 24-декабрдаги ПМ-78-а-сонли буйруғига асосан «Шахслараро муносабатлар психологияси» модулига киритилган (Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги Психология ўқув-илмий марказининг 2021-йил 24-декабрдаги ПМ-78-а-сонли маълумотномаси). Мазкур таклифнинг жорий этилиши марказнинг мутахассис психологларида ўқув фаолиятидаги маънавий эҳтиёжларни ўзгаришининг ижтимоий-психологик шарт-шароитлар ва маънавий эҳтиёжлар шаклланишига таъсир кўрсатувчи омилларга доир билим, кўникма ва малакаларниларини ошишига хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Диссертацион тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 13 та республика илмий-амалий анжуманида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Тадқиқотнинг асосий натижалари бўйича 10 та илмий мақола, 9 таси Ўзбекистон Республикаси ОАК тавсия этган журналларда, шу жумладан, 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, уч асосий боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Ишнинг умумий ҳажми 167 бетни ташкил қилади.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари белгилаб олинган, тадқиқотнинг методлари, объекти ва предмети аниқланган, мавзу бўйича муаммонинг ўрганилган даражаси тавсифланган. Ишнинг республика фан ва технологиялари ривожланишнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги очиб берилган ҳамда илмий ва амалий аҳамияти тавсифланган, натижаларнинг ишончлилиги, тадқиқот

натижаларининг амалиётга жорий этилиши, нашр қилинган ишлар ва тадқиқот тузилиши борасидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Шахс маънавий эҳтиёжларини тадқиқ этишнинг назарий-методологик асоси**» деб номланган бўлиб, унда узоқ ва яқин хорижлик ҳамда мамлакатимиз олимларининг мавзуга оид назарий қарашлари умумлаштирилган ва эҳтиёжлар феноменларига муаллифлик таърифлари батафсил келтирилган, эҳтиёж ва унинг иерархик поғоналари, маънавий эҳтиёжларни детерминация қилиш, эҳтиёжларни қондириш жараёнида ички тарангликларни ечиш ва маънавий эҳтиёжларни трансформация қилишда ижтимоий-психологик омилларнинг таъсири каби долзарб масалалар тадқиқ этилган.

Хориж олимлари И.Кант ва Ф.Гегель эҳтиёжлар, жумладан, маънавий эҳтиёжлар масаласида ўзига хос қарашларини илгари сурганлар. А. Маслоунинг ҳар қандай мотивация замирида ётадиган эҳтиёжлар индивид ривожланиши ва фаол даражада ўзини намоён қилишининг шароитларига боғлиқ бўлган омил эканлиги олимлар томонидан ўз қарашлари доирасида таъкидланган. Шунингдек, эҳтиёжларни биологик, физиологик, психологик ҳамда ижтимоий-маънавий кўринишларда фарқланиши ҳам ўзига хос тарзда кўрсатиб ўтилган. Шахснинг маънавий эҳтиёжларини моддий ҳаёт, моддий эҳтиёжлардан ажратиб олган ҳолда кўриб чиқиш мумкин эмаслиги ва маънавий эҳтиёжлар моддий эҳтиёжлар томонидан белгиланиши аксиома деб таъкидлаган.

Собиқ иттифоқ психологларининг эҳтиёжлар соҳасидаги тадқиқотлари асосида, хусусан, маънавий эҳтиёжлар ҳақида кўплаб концепциялар, қарашлар юзага келганлигини кўришимиз мумкин. Жумладан, Б.Г.Ананьев, Л.С.Выготский, Л.С.Рубинштейн, А.Н.Леонтьев, А.Р.Лурия, А.В.Петровский, Б.И.Игнатьевларнинг илмий мероси бугунги кунда эҳтиёжлар тизимини тадқиқ қилишда илмий-назарий манба бўлиб хизмат қилади. Маънавий эҳтиёжларнинг илмий муаммолари, уларнинг ривожланиш босқичлари ва тадқиқотга доир кўплаб ижтимоий-тарихий маълумотлар ва фактлар, маънавий эҳтиёжларнинг турлича намоён бўлиши рус олими А.Р.Нурова томонидан олиб борилган тадқиқотларда назарий жиҳатдан чуқур таҳлил қилинган.

Ўзбек психологияси фани тараққиётига муносиб ҳисса қўшган олим Э.Ғозиев ҳам эҳтиёжлар тизимини психологик нуқтаи назардан таҳлил қилиб, тирик мавжудотларнинг (оддий тузилишга эга бўлганидан тортиб, то мураккабига) теварак-атроф билан ҳаётий аҳамиятга эга бўлган, турли хусусиятли боғланишларни таъминлаб турувчи фаолиятга ундовчи куч (қайси даражаси, шакли эканлигидан қатъи назар) сифатида эҳтиёжларни эътироф этган.

А.М.Жабборовнинг таъкидлашича, табиий эҳтиёжни қондириш учун зарур шарт-шароитлар яратилиши шарт эмас, инсонда уйқуга эҳтиёж туғилса, у ҳолда ҳеч қандай юмшоқ ўринга ёки диванга талаб сезилмайди, чарчаган одам дуч келган жойда ўз эҳтиёжини қондираверади, маънавий

эхтиёжлар эса инсонда турмуш тажрибаси ортиши, билим савияси кенгайиши, махсус машқлар, малакалар ва маҳоратларнинг эгалланиши, ижтимоий ҳаёт қоидаларига узлуксиз равишда риоя қилиши, нарса ва ҳодисаларга муносабатнинг ўзгариши туфайли ривожлана боради.

Диссертациянинг иккинчи боби «**Шахс маънавий эхтёжлари трансформациясининг эмпирик ўрганилиши**»га бағишланган бўлиб, мазкур бобда тадқиқотнинг назарий-методологик асоси ва методикаларнинг мазмун моҳияти ҳамда уларнинг қўлланиш босқичлари чуқур ёритилган..

Шунингдек, тадқиқот доирасида олинган натижалар эмпирик далиллар асосида ёритиб берилган. Бундан академик лицей ўқувчилари синалувчи сифатида иштирок этган. Дастлаб синалувчиларда актуаллаштирилган эхтиёжларни эмас, балки маълум бир шахсга хос бўлган эхтиёжларни ёки шахсий хусусиятга (хусусиятларга) айланган эхтиёжларни, эхтиёжлар асосида шаклланган шахсий мойилликлар даражасини ўрганиш мақсадида Ю.М.Орловнинг «Шахс эхтиёжлари шаклланганлик даражасини ўрганиш» методикасидан фойдаланилган ва тадқиқот натижалари қуйидагича намоён бўлган.

1 -жадвал

**Ю.М.Орловнинг «Шахс эхтиёжлари шаклланганлик даражасини ўрганиш» методикасидан олинган натижалар таҳлили (n=405)**

Эхтиёжнинг шаклланганлик даражаси	Синалувчилар	n <sub>1</sub> n <sub>2</sub>	Ўртача	Стандарт оғиш	t	p
Юқори даража шаклланганлик	ҚарМИИ академик лицейи	320	13,36	2,416	1,182	p≤0,05
	УрДУ академик лицейи	85	12,50	2,650		
Ўрта даражада шаклланганлик	ҚарМИИ академик лицейи	320	10,0	2,523	1,085	p≤0,01
	УрДУ академик лицейи	85	9,25	2,679		
Паст даражада шаклланганлик	ҚарМИИ академик лицейи	320	8,50	2,554	1,014	p≤0,001
	УрДУ академик лицейи	85	7,46	1,998		

Изоҳ: (\* P≤0,05, \*\* P≤0,01, \*\*\*P≤0,001).

Ушбу методика бўйича олинган натижаларни таҳлил қилиш вақтида респондентлар гуруҳлари ўртасида ишонч даражасидаги фарқлар мавжудлигига ҳам эътиборни қаратдик.

Эмпирик натижаларнинг умумий таҳлили шуни кўрсатдики, ҚарМИИ академик лицейи ўқувчиларида эхтиёжларни шаклланганлик даражасининг умумий ўртача қиймати 10,62 ни ташкил этган бўлса, УрДУ академик

лицейининг ўқувчиларида эҳтиёжларни шаклланганлик даражасининг умумий ўртача қиймати 9,73 ни кўрсатди. Демак, УрДУ академик лицейининг синалувчиларида шахсий ва маънавий эҳтиёжларнинг шаклланганлик кўрсаткичлари бироз паст даражада ( $p \leq 0,001$ ) эканлиги аниқланди.

Бу шахс эҳтиёжларини шакллантиришда ва трансформация қилишда айрим мезонлар бўйича ортда қолаётганлигидан далолат беради. Демак, маънавий эҳтиёжларни шакллантириш ва трансформациясига УрДУ академик лицейида ўқувчиларни биринчи курсга қабул қилишдан бошлаб алоҳида эътибор қаратиш лозимлигини англатади. Олинган натижаларни чуқур таҳлил қилганимизда шахс эҳтиёжларини ривожлантириш даражаси юқори курс синалувчиларида меъёрий ҳолатда шаклланаётганлигини гувоҳи бўлдик. Бу кўрсаткичлар иккинчи ва учинчи курс ўқувчиларига хос эканлиги тадқиқотда ўз исботини топди.

2-жадвал

**Респондентларда экспериментдан олдин ва экспериментдан сўнг  
“Шахс эҳтиёжлари шаклланганлик даражасини ўрганиш” методикаси  
бўйича кўрсаткичлар (n=405)**

Эҳтиёжларнинг шаклланганлик дарадаси	Синалувчилар	n	Ўртача	Стандарт оғиш	t
Юқори даражадаги шаклланиш	ЭО	405	12,93	2,530	1,386
	ЭС	405	16,04	2,353	
Ўрта даражадаги шаклланиш	ЭО	405	9,62	2,593	1,507
	ЭС	405	13,05	2,236	
Паст даражадаги шаклланиш	ЭО	405	7,98	2,754	1,203
	ЭС	405	11,36	2,477	

Академик лицейлар синалувчиларида маънавий эҳтиёжларни шакллантиришга қаратилган дастур асосида ўтказилган эксперимент натижаларига кўра респондентларда кўрсаткичлар ўзгаришини кўришимиз мумкин. Демак, синалувчиларда шахс эҳтиёжлари шаклланганлик ҳолати экспериментдан аввалги кўрсаткичга (10,17%) нисбатан экспериментдан кейинги натижа (13,48%) ортганлигини кўришимиз мумкин. Бу академик лицей ўқувчиларида эҳтиёжлар трансформациясини шакллантиришга йўналтирилган ижтимоий-психологик психокоррекция ишлар ва шахс маънавий эҳтиёжлари трансформациясини таъминловчи модел (яратдик) қўлланилгандан кейин самара берганлиги натижасидир.

Навбатдаги босқичда, синалувчиларнинг маънавий эҳтиёжлари трансформациясини маъқуллашга бўлган даражасини аниқлаш мақсадида Д.Марлоу ва Д.Краунларнинг “Маъқулланиш мотивациясини баҳолаш” методикасидан фойдаланилди. Тадқиқот давомида қуйидаги натижалар қўлга киритилди.

**Д.Марлоу ва Д.Краунларнинг “Маъқулланиш мотивациясини баҳолаш” методикаси бўйича гуруҳлараро ишонч даражасидаги фарқлар (n=405)**

Мотивация	Синалувчилар	n <sub>1</sub> n <sub>2</sub>	Ўртача	Стандарт оғиш	T	p
Маъқулланиш мотивацияси юқори	ҚарМИИ академик лицейи	320	16,10	3,816	1,182	p≤0,05
	УрДУ академик лицейи	85	13,73	2,650		
Маъқулланиш мотивацияси ўртача	ҚарМИИ академик лицейи	320	11,25	2,523	1,805	p≤0,01
	УрДУ академик лицейи	85	10,05	1,079		
Маъқулланиш мотивацияси паст	ҚарМИИ академик лицейи	320	8,71	2,141	1,017	p≤0,01
	УрДУ академик лицейи	85	7,98	1,021		

**Изоҳ:** (\* p≤0,05, \*\* p≤0,01, \*\*\*p≤0,001).

Тадқиқот натижаларини таҳлил қилиш вақтида респондентлар ўртасида сезиларли фарқлар мавжуд эмаслиги тадқиқотда ўз исботини топди.

Олинган натижаларнинг таҳлили шуни кўрсатдики, академик лицейлар синалувчиларида эҳтиёжларни ривожлантиришга интилиш кўрсаткичлари меъёрида эканлигини кўришимиз мумкин. Умуман олганда ҳар иккала объектдаги синалувчиларда физиологик, моддий ва маънавий эҳтиёжларни шакллантиришга яратилган имкониятлар билан бир қаторда педагоглар, оналар ва психологлар ўртасидаги мақсадли ҳамкорликнинг тўғри йўлга қўйилганлиги бунинг асосий сабаби эканлигини исботлади.

**Синалувчиларда экспериментдан олдин ва экспериментдан сўнг “Маъқулланиш мотивациясини баҳолаш” методикаси бўйича кўрсаткичлар (n=405)**

Мотивациялар	Синалувчилар	n	Ўртача	Стандарт оғиш	t
Маъқулланиш мотивацияси юқори	ЭО	405	14,91	2,430	1,386
	ЭС	405	18,63	1,353	
Маъқулланиш мотивацияси ўртача	ЭО	405	10,65	2,236	1,507
	ЭС	405	11,94	3,893	
Маъқулланиш мотивацияси паст	ЭО	405	8,34	2,301	1,236
	ЭС	405	9,12	1,005	

Ҳар иккала объектда эҳтиёжларни шакллантириш учун яратилган шарт-шароитлар ва махсус дастур асосида ўтказилган эксперимент натижаларига кўра респодентларда кўрсаткичлар ўзгаришини кўришимиз мумкин. Синалувчиларда эҳтиёжларнинг қондирилишини маъқуллашга бўлган мотивация кўрсаткичлари экспериментдан олдингига нисбатан ортганлигини кўришимиз мумкин. Бу тадқиқот доирасида олиб борилган психодиагностик, психопрофилактик ва психокоррекцион ишларни тўғри ташкил этилганлигидан далолатдир.

Тадқиқотнинг кейинги босқичида синалувчиларда маънавий эҳтиёжлар шаклланиши мотивациясининг аҳамиятини ўрганиш мақсадида Т.Элерснинг “Муваффақиятга интилиш мотивацияси” ва “Мағлубиятдан қочиш мотивацияси” тестларидан фойдаланилди. Тадқиқот натижалари қуйидагича намоён бўлди.

5-жадвал

**Т.Элерснинг “Муваффақиятга интилиш мотивацияси” ва “Муваффақиятсизликдан қочиш мотивацияси” тестлари бўйича гуруҳлараро ишонч даражасидаги фарқлар (n=405)**

Мотивация	Синалувчилар	n <sub>1</sub> n <sub>2</sub>	Ўртача	Стандарт оғиш	t	p
Муваффақиятга интилиш	ҚарМИИ академик лицейи	320	17,20	3,816	1,182	p≤0,05
	УрДУ академик лицейи	85	18,06	2,110		
Муваффақиятсизликдан қочиш	ҚарМИИ академик лицейи	320	17,98	1,923	1,805	p≤0,001
	УрДУ академик лицейи	85	16,88	2,079		

Изоҳ: (\* p≤0,05, \*\* p≤0,01, \*\*\*p≤0,001).

Тадқиқот натижаларини таҳлил қилиш вақтида объектлар ўртасида ишонч даражасидаги фарқлар мавжудлиги ёки йўқлигига ҳам эътиборни қаратдик. Ҳар иккала объект синалувчилари ўртасида ишончли фарқлар мавжудлигига гувоҳ бўлдик.

Олинган натижаларнинг таҳлили шуни кўрсатдики, УрДУ академик лицей ўқувчиларида маънавий эҳтиёжларга бўлган ички талабнинг қондирилиши ва уни шакллантиришга интилиш кўрсаткичлари ( умумий ўртача 18,06) ни ташкил этди. Бу эса, ҚарМИИ академик лицей синалувчилари (17,20) га нисбатан бироз юқори эканлигини кўришимиз мумкин. Умуман олганда ҳар иккала объект бўйича синалувчиларда маънавий эҳтиёжларни шакллантиришга интилиш кўрсаткичлари меъёрида (p≤0,001) эканлиги кузатилди.

Лекин ҚарМИИ академик лицейи ўқувчиларида маънавий эҳтиёжларни қондирилишидан қочиш мотивацияси УрДУ академик лицейи респондентларига нисбатан юқори даражада ( $p \leq 0,001$ ) эканлигини гувоҳи бўлди. Бу кўрсаткичлар ҚарМИИ академик лицейининг биринчи курс ўқувчиларига хос эканлиги тадқиқотда ўз исботини топди.

б-жадвал

**Синалувчиларда экспериментдан олдин ва экспериментдан сўнг “Муваффақиятга интилиш” ва “Муваффақиятсизликдан қочиш” методикаси бўйича кўрсаткичлар (n=405)**

Мотивация	Синалувчилар	n	Ўртача	Стандарт оғиш	t
Муваффақиятга интилиш	ЭО	405	17,63	2,430	1,386
	ЭС	405	19,04	1,353	
Муваффақиятсизликдан қочишга интилиш	ЭО	405	17,43	2,236	1,507
	ЭС	405	6,05	2,593	

Академик лицей ўқувчиларида маънавий эҳтиёжларни шакллантиришга қаратилган дастур асосида ўтказилган эксперимент натижаларига кўра респондентларда кўрсаткичлар ўзгаришини кўришимиз мумкин. Синалувчиларда муваффақиятга интилиш эҳтиёжларини қондириш кўрсаткичи 17,63%дан 19,04%га юқорилаганлигини, муваффақиятсизликдан қочишга интилиш кўрсаткичи 17,43%дан 6,05%га пасайганини кузатишимиз мумкин. Бу академик лицей ўқувчиларида маънавий эҳтиёжлар трансформацияси шакллантирилишига йўналтирилган ижтимоий-психологик тренинглар дастурининг самара берганлигидан далолатдир.

Олиб борилган тадқиқот иши доирасида ҚарМИИ ва УрДУ академик лицейи синалувчиларида муваффақиятга интилиш кўрсаткичи ва маънавий эҳтиёжлар шаклланиши фактори ўртасида паст даража эканлиги билан ( $r=0,293^*$ ;  $p \leq 0,05$ ) ижобий корреляция мавжуд. Бу ўзаро боғлиқлик мавжудлиги ва ишончли фарқлар борлигидан далолат беради.

ҚарМИИ академик лицейи синалувчиларида муваффақиятсизликдан қочиш мотивацияси ва Ю.М.Орловнинг эҳтиёжлар шаклланиши юқори даражада эканлиги ( $r=0,289^*$ ;  $p \leq 0,05$ ) ва муваффақиятга интилиш кўрсаткичи ( $r=0,225^*$ ;  $p \leq 0,05$ ) билан ижобий боғланишлар аниқланди. Мазкур боғланишлар ҚарМИИ академик лицейи синалувчиларида муваффақиятсизликдан қочиш кўрсаткичи қай даражада юқори бўлса, уларнинг маънавий эҳтиёжларни трансформацияси паст бўлиши аниқланди. Қолаверса, уларга ўз хоҳишлари билан иш юритиш, мақсадлари томон аниқ йўналганлик, ўзига хос дунёқараш, ижодий тасаввур, орзу-хавас, умумий қабул қилинган ҳаётий меъёрларни маъқулламаслик хусусияти ҳам хос ҳисобланади.

**Шахс эҳтиёжларини шаклланганлик даражаси ва муваффақиятга интилиш ва муваффақиятсизликдан қочиш кўрсаткичлари ўртасидаги ўзаро корреляцион боғлиқлик (n=405)**

Эҳтиёжларнинг шаклланганлик даражаси	ҚарМИИ академик лицейи		УрДУ академик лицейи	
	Муваффақиятга интилиш	Муваффақиятсизликдан қочиш	Муваффақиятга интилиш	Муваффақиятсизликдан қочиш
Шаклланганлик даражаси юқори	1,97	-1,73	2,25*	0,289*
Шаклланганлик даражаси ўрта	0,049	-0,38	0,66	-1,31
Шаклланганлик даражаси паст	0,293*	0,09	-0,10	-0,69

Мазкур боғланишлар синалувчиларда муваффақиятга интилиш мотивацияси қай даражада юқори бўлса, маънавий эҳтиёжларни шаклланганлик даражаси, шунингдек, китоб ўқишга бўлган ҳошиш ва истакнинг ортиши, маънавий меросни тўлақонли асраб авайлашга интилиш ҳам юқори бўлиши билан ифодаланди. Бу эса уларнинг маънавий эҳтиёжлари ривожланишига ва уни доимий ривожлантириб боришларида ҳал этувчи аҳамиятга эгадир.

Методикалар ёрдамида қўлга киритилган эмпирик натижалар ўртасида ижобий ва тескари муносабатдаги корреляцион боғлиқлик қонуниятлари мавжудлигини гувоҳи бўлдик. Бу эса муаммонинг илмий ечимини топишга асос бўлди. Бобнинг якуний қисмида шахс маънавий эҳтиёжлари ривожланишига таъсир кўрсатишнинг блокчи-чизмаси батафсил ёритилган.

Муаллифлик тадқиқотлари шуни кўрсатдики, шахс маънавий эҳтиёжлари ривожланишига таъсир кўрсатиш омиллари ва унинг самарали жиҳатлари қуйидаги уч блокда акс этган:


I-блок физиологик эҳтиёжларнинг шаклланишига таъсир кўрсатиш деб номланиб, ушбу босқичда биологик тузилманинг меъёрида ривожлантириш, тўғри овқатланиш рациона, уйқуни нормада ташкил этиш ва йўқотилган импульсни қайта тиклаш, табиий эҳтиёжларни қондирилиши, физиологик эҳтиёжлар қондирилишининг кундалик фаолиятга ижобий таъсирини аниқлаш ва уни амалиётга жорий этиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш ёндашувини қамраб олади;

II-блок ижтимоий эҳтиёжларни шакллантириш босқичи бўлиб, ушбу босқичда муносабатни тўғри ташкил этиш, ахборотга бўлган талабни қондирилиши, ижтимоий фаолликни таъминлаш, ўзаро ҳурматни қозонишга интилиш, кундалик ёки ўқув фаолиятида юқори натижага эришиш ва ўқув жараёнида ижтимоий муносабатларнинг тўғри йўлга қўйишни таъминлаш сабаблари очиб берилади;

III-блок маънавий эҳтиёжларни шакллантириш бўлиб, одам, жамият ва табиат (олам)нинг ўзаро муштараклигини белгиловчи билимларга бўлган қизиқишларни эътиборга олиш, инсонпарварлик, ватанпарварлик ва табиатни асраб-авайлашга нисбатан ҳиссиётни шакллантириш ва санъатга қизиқиш ва маданий меросни асраб-авайлаш ҳамда кейинги авлодга қолдириш маданиятини сингдириш, аждодларнинг ижодига қизиқиш ва маънавий хордиқ олиш, физиологик ва ижтимоий эҳтиёжларни қондириш орқали маънавий эҳтиёжлар ривожланишини барқарорлаштириш асослаб берилган.

Шахс маънавий эҳтиёжларини ривожлантириш ва трансформация қилишнинг блоклар чизмаси ишлаб чиқилганда, ҳамда унинг самарадорлиги баҳоланганда, блоклар ўзаро бир-бири билан уйғун алоқадорликда эканлигини гувоҳи бўлдиқ. Ўспирин шахсида маънавий эҳтиёжларни шакллантириш ва унинг намоён бўлиш тузилмаси тадқиқотимизда ўз исботини топди. Бу шахсда маънавий эҳтиёжлар намоён бўлиши ва шаклланишини таъминлайди. Шахс маънавий эҳтиёжларини трансформация қилишнинг асосий мақсади ўспиринларда маънавий эҳтиёжлар тузилмаси ва унинг трансформациясини йўлга қўйиш ҳамда маънавий эҳтиёжларни барқарор шаклланишини таъминлаб боришдир. Тадқиқот иши доирасида яратилган интегратив блокчи-чизма ушбу долзарб масалани ечимини топишга хизмат қилиши билан муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Шахс маънавий эҳтиёжларига таъсир кўрсатишнинг блокчи-чизмаси



Диссертациянинг учинчи боби «**Шахс маънавий эҳтиёжлари трансформациясининг ижтимоий-психологик омиллари**»ни ўрганишга бағишланган бўлиб, маънавий эҳтиёжлар трансформациясини шакллантиришга йўналтирилган ижтимоий-психологик тренинг дастури ва унинг самарадорлигини баҳолаш тартиби тузилган. Шахс маънавий эҳтиёжлари трансформациясининг ижтимоий-психологик модели яратилган бўлиб, унда шахс фаолиятида маънавий эҳтиёжлар ўзгаришининг ижтимоий-психологик омиллари ҳамда шарт-шароитлари батафсил келтириб ўтилган.

Тадқиқот мақсадини амалга оширишда белгиланган вазифаларни бажариш учун коррекцион босқичда маълум бир шкалалар бўйича, яъни маънавий эҳтиёжлар намоён бўлиши ва шаклланиши паст кўрсаткичга эга бўлган (76 нафар) синалувчилар билан коррекцион тренинглар амалга оширилди.

Тренингни асосий мақсади академик лицей ўқувчиларида маънавий эҳтиёжлар трансформациясини тўғри шакллантиришдан иборат эди. Шунга кўра, тренинг вазифаси сифатида қуйидагилар белгиланди:

- маъқулланишга бўлган эҳтиёж даражасини меъёрлаштириш;
- актуаллаштирилган эҳтиёжларни эмас, балки маълум бир шахсга хос бўлган эҳтиёжларни ёки шахсий хусусиятга (хусусиятларга) айланган эҳтиёжларни, эҳтиёжлар асосида шаклланган шахсий мойилликларни ривожлантириш;
- маънавий эҳтиёжларни қондиришда муваффақиятга эришиш даражасини шакллантириш;
- психокоррекцион машқлардан сўнг синалувчилардаги ўзгаришларни қайд қилиш ва самарадорлигини баҳолаш.

Тренинг қатнашчилари академик лицейларда ўтказилган тажрибалардан паст натижа олган синалувчилар (академик лицей ўқувчилари)дан танлаб олинди. Уларнинг сони 76 нафарни ташкил қилди. Машғулотлар тўрт ҳафта давомида ҳар ҳафтада беш кун ўтказилди. Машғулотнинг давом этиш вақти 35 дақиқадан 40 дақиқагача вақт оралиғида амалга оширилди.

Психокоррекцион фаолият психокоррекцион комплекс дастури ёрдамида амалга оширилди. Машғулот бир-бирига боғлиқ бўлган тўрт босқичдан иборат бўлди. Булар:

- 1) тайёргарлик (психодиагностик) босқичи.
- 2) коррекцион босқич.
- 3) коррекцион фаолиятни самарадорлигини аниқловчи босқич.
- 4) яқунловчи (баҳоловчи) босқичлар шакллантирилди.

**Академик лицей ўқувчиларида маънавий эҳтиёжлар трансформацияси шаклланишига йўналтирилган ижтимоий-психологик тренинг дастурининг асосий босқичлари**

<b>Босқичлар</b>	<b>Мақсадли йўналтириш</b>	<b>Мавзу ёки машғулотлар мазмуни</b>
<b>Тайёргарлик босқичи</b>	Академик лицей ўқитувчилари билан бирламчи суҳбат ўтказиш. Гуруҳларда ўқувчилар билан ишлаш жараёнида назарда тутилган қонун ва қоидаларни аниқлаштириб олиш. Диагностика натижаларига қараб гуруҳларни шакллантириш	Суҳбат, академик лицей ўқувчиларининг дарс машғулоти ва уларнинг кундалик фао-лиятини кузатиш ҳамда уларни натижалари билан танишиш
<b>Биринчи босқич-Бошланғич</b>	Гуруҳий яқинлик, маънавий эҳтиёжларни ривожлантириш. Ўз эҳтиёжларини визуал техника ёрдамида таҳлил қилиш. Маънавий эҳтиёжларни трансформация қилишни машқ қилиш	Маънавий эҳтиёж-ларни шакллантириш учун машқлар: “Ҳошиш-истакларни қондириш”, “Стулни ишлатишнинг 50 хил усули”, “Синестезия”, “Зинапоя” Ижтимоий эҳтиёжларни шакллантириш машқлари: “Муносабат занжири”, “Ички регуляторни бошқариш” психотехник машқлар.
<b>Иккинчи босқич-Ўтувчи</b>	Машқ қилиш жараёни самарадорлигини ошириш. Маънавий эҳтиёжларни шакллантиришни мақсадли бошқариш	“Эҳтиёжлар” ҳиссини ривожлантириш, “Индивидуал эҳтиёжларни қондириш”, ички психотехник машқлар. Ўз ички мотивларини бошқариш учун машқлар: Машқ-ларга психологик тайёр-лик, “Идеомотор йўнал-тириш”; Шахс установа-каларига психологик тай-ёрлик: “Термометр”; ўйин вақтида ўзини ички бошқариш: “Чиқиш”; “Китоб ўқишни иштай-ман”
<b>Учинчи босқич-Асосий</b>	Ўқув фаолиятида маънавий эҳтиёжларни шакллантириш малакасини	Эҳтиёжларни қонди-ришга бўлган машқлар: “Очликка чидаш”. Физио-логик

	ривожлантириш. Ташқи ва ички эҳтиёжларни назорат қилиш ва коррекциялаш. Эҳтиёжларни тўғри шакллантириш. Ички психик ҳолатни ва ақлий жараёни бошқариш. Физиологик ва маънавий эҳтиёжларни қондирилмасликдан кейин психологик тикланиш	эҳтиёжларга мўл-жалланган машқлар “Ўзи-ни кечириш”. Ижтимоий эҳтиёжларга йўналтирилган машқлар: “Қайноқ чойнак”, “Ўтмиш, бугун ва келажак”. Релаксацияга ўргатиш: “Контраст”, “Психопанза”. Идеомотор машқлар: “Ўзига буйруқ бериш”. Ички ҳоҳиш орқали эҳтиёжларни коррекция қилиш
<b>Тўртинчи босқич-Яқунловчи</b>	Эҳтиёжларни ривожлантириш орқали фаолликни оширишга таъсир ўтказиш. Ментал тренинг кўникмаларини ўзлаштириш. Эҳтиёжлар йўлида ўзини бошқариш кўникмаларини ўзлаштириш	Ментал тренинг машқлари: “Бошқа шаклга кириш”, “Маданий меросга ҳурмат”, маънавий эҳтиёжларни шакллантириш. Аутоген машқлар – машқ жараёни. Копинг стратегияси. Психорегуляция сеанслари. Яқунловчи қайта алоқа.

Диагностик босқичнинг мақсади: Эҳтиёжларни ривожланганлик ҳолатини аниқлаш, психологик коррекцияни шакллантиришнинг умумий дастурини ишлаб чиқиш.

Коррекцион босқичнинг мақсади: шахс маънавий эҳтиёжларини қондирилишини таъминлаш, маънавий эҳтиёжларни шакллантирувчи шарт-шароитларни ўргатиш, маънавий эҳтиёжлар ривожланишини тўғри йўлга қўйишдан иборат.

Коррекцион фаолият самарадорлигини баҳолаш босқичининг мақсади: шахс эҳтиёжлари ўзгаришининг психологик мазмуни ва динамикасини ўлчаш, ижобий хатти-ҳаракат реакцияларини пайдо бўлишини таъминлаш ва ўзини қондиришнинг ижобий усулларини ўзлаштиришдан иборат.

Яқунловчи (баҳоловчи) босқичнинг мақсади: академик лицей синалувчилари (ўқувчилари) нинг психофизиологик тренингдан олдинги ва кейинги ҳолатларини таққослаб, самарадорлигини баҳолаш ва хулосалаш эди.

Тренинг ўтказилганидан икки ҳафтадан сўнг синалувчилар постдиагностик синовдан ўтказилди. Постдиагностика бўлимида Ю.М.Орловнинг “Шахс эҳтиёжларини шакллантирилганлик даражасини ўрганиш” методикаси, Д.Марлоу ва Д.Краунларнинг “Маъқулланиш мотивациясини баҳолаш” методикаси ва Т.Элерснинг “Муваффақиятга эришиш мотивацияси”, “Мағлубиятдан қочиш мотивацияси” методикаси қўлланилди.

Коррекциядан кейинги натижалар таҳлилига ўтадиган бўлсак, асосий респондентлар орасидан коррекцияга муҳтож бўлган синалувчилар танлаб олинди ва уларнинг натижаларини экспериментдан олдинги ҳамда экспериментдан кейинги методикалар таҳлили кўрсаткичидаги ишончли фарқлар билан солиштирилди. Натижалар таҳлилига кўра, куйидаги ҳолатлар кузатилди. Ю.М.Орловнинг “Шахс эҳтиёжларини шаклланганлик даражасини ўрганиш” бўйича синалувчиларда экспериментдан олдин паст даражаси 9 балл (30 нафар), ўрта даражаси 18,5 балл (39 нафар), юқори даражаси 33 балл (8 нафар) аниқланган бўлса, экспериментдан кейин синалувчиларда бу кўрсаткич паст даражаси 6 балл (5 нафар), ўртача 16,7 балл (12 нафар), юқориси 31,5 балл (59 нафар)ни ташкил қилди. Бу  $***(P \leq 0,001)$  юқори фоизли ишонч даражасидаги фарқ кўрсаткичини ифодалади. Демак синалувчиларда эҳтиёжларнинг шаклланганлик даражаси юқорилаганлигини кузатишимиз мумкин.

Д.Марлоу ва Д.Краунларнинг “Маъқулланиш мотивациясини баҳолаш” методикасини таҳлил қилганимизда, маъқулланишга бўлган эҳтиёжлар даражасини аниқлаш имконини берувчи ва маънавий эҳтиёжларни ўзлаштиришни маъқулловчи синалувчиларда ишончли фарқ мавжуд эканлиги аниқланди. Демак маънавий эҳтиёжлар трансформациясини мақулламайдиган синалувчилар бор эканлиги тадқиқотда кўзга ташланди. Натижаларни таҳлил қилганимизда, синалувчиларда экспериментдан олдин паст даражаси 4 балл (40 нафар), ўрта даражаси 10 балл (28 нафар), юқори даражаси 14 балл (8 нафар) аниқланган бўлса, экспериментдан кейин синалувчиларда бу кўрсаткич паст даражаси 3 балл (7 нафар), ўртача даражаси 12 балл (13 нафар), юқори даражаси 17 балл (56 нафар) ни ташкил этди. Бу кўрсаткичлар  $***(P \leq 0,001)$  юқори фоизли ишонч даражасидаги фарқ мавжудлигини ифодалайди. Демак синалувчиларда мақуллашга ижобий муносабат яъни, шахс эҳтиёжларини қондирилганлик даражаси анча юксалганлигини кузатишимиз мумкин.

Т.Элерснинг “Мувафақиятга интилиш мотивацияси” ва “Мағлубиятдан қочиш мотивацияси” методикасини эмпирик таҳлили шуни кўрсатдики, мувафақиятга интилиш эҳтиёжлари бўйича синалувчиларда ишончли фарқлар кузатилмади. Лекин маънавий эҳтиёжларни ривожлантиришга бўлган мотивациядан қочиш ҳолатлари кўзга ташланди. Ушбу ҳолат натижалари таҳлилига эътибор берганимизда, коррекцияга муҳтож синалувчилар мавжудлиги аниқланди. Улар билан психокоррекция ишлар амалга оширилганда, экспериментдан олдинги ва экспериментдан кейинги ҳолатлар кўрсаткичлари ўртасида ишонч даражасидаги фарқлар мавжудлиги аниқланди.

Синалувчиларда мағлубиятдан қочиш мотивацияси, яъни маънавий эҳтиёжларни ривожлантиришга бўлган интилишдан қочиш ва ютуқга эришиш каби эҳтиёжлардан ўзини тортиш каби ҳолатлар бўйича экспериментдан олдин куйи даража 9,25 балл (6 нафар), ўртача даража 13,09 балл (19 нафар), юқори даража 18,04 балл (51 нафар)да ифодалаган бўлса, экспериментдан кейин бу кўрсаткич куйи даража 6 балл (58 нафар), ўртача

